



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Кулмуродова Сайёра Сафаровна

Ўзбекистон-Финландия институти ўқитувчиси

## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ҲОЛАТИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада миллийлик, мафкура, халқ, одоб-ахлоқ, жамият, маҳалла, таълим-тарбия, жамоа, оила, орзу, мақсад, тизимлилик ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон заминидан жаҳон цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, умумжаҳон миқёсида эътироф этган қанчадан-қанча буюк мутафаккирлар ва комусий алломалар етишиб чиққан. Аждодларимиздан қолган бой мерос ўзининг ўта муҳимлиги ва илмий салоҳияти билан ханузгача бутун дунё халқларини лол қолдириб келмоқда. Ватанимиз тарихининг ибрат олса арзигулик зарварақларини ҳолисона ўрганиш ва ана шундай мерос намуналаридан фойдаланган ҳолда комил инсонларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бугунги кун ёшларимиз тарбиясини тизимли ташкил етишда ўзидан ўлмас мерос қолдирган аждодлар хазинасидан фойдаланиш бугунги кун ёшларининг долзарб вазифаларидандир. Бугун миллий маданиятимиз, илм-фан, адабиёт ва санъатимиз юксалишига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб етиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шуурига сингдиришга алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда маънавий ва миллий кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналаримизни ёритишга бағишланган илмий-услубий ишлар, асосан хусусий ҳолларда яъний бир алломанинг ёки бошқа бир азиз авлиёларимизнинг ҳаёти ижоди ва илмий кашфиётлари ҳақида бўлиб унда бирор-бир педагогик метод услублардан фойдаланиб уларни тарғиб қилиш ишлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-



майдаги ПҚ-4307-сонли фармонида “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолини айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунё қарашини юксалтириш, мафкуравий имунитетини мустаҳкамлаш ватанпарварлик, ҳалққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда”.

Айни вақтда Республикаимизда маънавий ва маърифий йўналишда олиб борилаётган назарий ва амалий ишларда буюк мутафаккирларимиз, алломаларимиз, азиз авлиёларимизнинг ҳаёти ижоди ва буюк кашфиётларидан маънавий оламга, миллий кадриятларга анъана ва урф-одатларга бой материалларни, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларимиз билан уйғунлаштирган ҳолда тизимли тарзда амалга ошириш масаласи кўриб чиқилмаган.

Бугунги жамиятнинг, унда яшайдиган инсонларнинг тақдири ва келажаги албатта давлатларнинг етакчи кучлари ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқлиги барчамизга аён дир. Юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, ўтмиш аждодларини ҳар бир босиб ўтган шарафли йўлларини эъзозлайдиган, аждодларининг илмий меросларини ўз ўрнида қўллаб биладиган, баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидир.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки: буюк мутафаккирларимиз, алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг ҳаёти, ижоди ва буюк кашфиётларидан олинган маънавий оламга, миллий кадриятларга анъаналарга ва урф-одатларга бой материалларни мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларимиз билан уйғунлаштирилган ҳолда тизимли ёндашув асосида ҳаётга тадбиқ этиш масаласи долзарб дир.

Бугунги кунда илм-фан жадал тараққий этаётганлиги туфайли турли фан соҳаларида эришилган ютуқлар тез янгиланиб бормоқда. Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ҳалқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини кучайтириш давр эҳтиёжидан келиб чиқмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи бизнинг олдимизда турган энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Ёш авлод тарбияси ўта долзарб масала бўлиб, у таълим-тарбияда узвийлик, қатъийлик ва талабчанлик, ишлашнинг замонавий, таъсирчан усул ва воситаларини талаб этади.

Таълим муассасаларида билим олиб улғайган ёш авлодни буюк мутафаккирларимиз, алломаларимиз, азиз алломаларимизнинг ҳаёти ижоди ва буюк кашфиётларидан олинган материаллар негизида маънавий дунё қараш масаласига эътибор қаратамиз ва бошқа ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда олиббораётган тадқиқотимиз муайян даражада хизмат қилади.



Буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни энг буюк номоёндалари тимсолида маърифат, илм-фан, маданият каби соҳаларнинг барчасини ўзида умумлаштирган ҳалқимизнинг маънавий олами ақс эттирувчи маълумотларни мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларимиз билан уйғунлаштирилган ҳолдаги материалларини лавҳалар кўринишида ақс эттириш яхши самара беради. Бунинг боиси лавҳаларга турли расмлар, тасвирлар киритиш имкониятидан ташқари уларга видеотасвирлар, видеоклиплар, ҳужжатли филмлар, мултипликация ва шунга ўхшаш бошқа элементларини ҳам киритиш имконияти мавжудки улар ёрдамида лавҳаларда ақс еттирилган маълумотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга замин яратилади. Бу лавҳаларни ахборот ва педагогик технологиялар асосида янада бойитиш мумкин.

“Ёшлар маънавий тарбиясида тизимли ёндашувнинг инновацион технологиялари”ни ташкил этишнинг замонавий шакл ва методлари комплекс дастурларни, ишлаб чиқиш жараёнида илмий-услубий таъминоти, тизимли тарзда ва талабаларнинг маънавий дунё қарашини таълим олиш қобилиятини ривожлантириш усуллари олий таълим муассасаларида ва малака ошириш тизимида турли хил педагогик фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилишида фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, тизимли таҳлил усуллари асосида таълим жараёнида ёшлар маънавий тарбиясини ривожлантириш йўналишида етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бошқарувда тизимли ёндашув масаласига эътибор қаратилганда шуни қайд этиш мумкинки, тизимли ёндашув ташкилотни бир бутун яхлит элементлардан ташкил топган тизим сифатида ифодалайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Самаров Р.С. Таълим-тарбия назариясининг фалсафий жиҳатлари. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: Функционал ёндашув 24б.
2. Зияева М.Ф, Абдуваҳобова Д.Э, Хазраткулова А.В. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2021 йил №6) Олий таълим тизимида талаба ёшларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологиялари
3. Raximqulova, M. (2021). TA'LIMGA INNOVATSION YONDASHUV–O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI SIFATIDA. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 118-121.
4. Vaxronovna, Raximqulova M., and Nurmanova D. Jamilovna. "The Role of Primary School Teachers in Increasing Efficiency of Lessons." *JournalNX*, 2021, pp. 18-20.